



**Томорқа шунчаки экин майдони эмас, оилалар фаровонлиги омилидир**

2-с.

**Ёшлар нега ишга жойлашишда қийналяпти?**

Аксарият ёш кадрларда ахборот технологиялари билан ишлаш бўйича кўникмалар етарли эмаслиги, чет тилларини билмаслиги аён бўлди.

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**2025 йил  
9 АПРЕЛЬ,  
ЧОРШАББА**

# Маҳалла

**№29  
(2253)**

WWW.UZMAHALLA.UZ

**ҲАМКОРЛИК**

## УЮШМА РАИСИ БМТ ВАКИЛИ БИЛАН УЧРАШДИ



**Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев БМТ Тараққиёт Дастурининг Европа ва МДҲ Минтақавий директори Ивана Живкович билан учрашди.**

Таъкидлаш лозимки, ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорлик Меморандуми имзолаган эди. Меҳмонлар ҳамкорлик доирасида бугунги кунга қадар қатор ижобий ишлар амалга оширилганини алоҳида эътироф этишди.

Учрашув давомида "маҳалла еттилиги" фаолияти, "Маҳалла сервис компанияси" ҳамда бугунги кунда аҳоли муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал этиш тизими яратилгани тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Шунингдек, Уюшма томонидан қатор таклифлар илгари сурилди. Хусусан, "Маҳалла сервис компанияси" фаолиятини янада такомиллаштириш, хорижий мамлакатлар билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш ҳамда маҳаллаларда таълим марказлари ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида "Саломатлик йўлакчалари"ни ташкил этишга қаратилган бир қатор лойиҳаларни келажакда биргаликда амалга ошириш масалалари муҳокама этилди.

Ивана Живкович ушбу таклифларни самимий қабул қилиб, Уюшма фаолияти билан танишганидан хурсанд эканини эътироф этди.



ОБОДЛИК

## ОБОДЛИК РУҲИ ҲАР БИР УЙ, КЎЧА ВА МАҲАЛЛАГА ФАЙЗ БЕРДИ

**2025 йил 10 мартдан 10 апрелгача "Долзарб бир ойлик" тадбирлари ўтказилди. Ойлик доирасида "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонларини жорий этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.**

“Обод хонадон” мезони асосида 3 миллион 498 мингта хонадонда (шундан, 3 миллион 250 мингтаси ўз ишқонияти билан, 248 минг 317 тасида қўшимча куч ва ҳомийлик асосида) ҳамда 119 минг 901 та кўп қаватли уй-жойларда тозалаш ва таъмирлаш ишларини амалга

ошириш белгиланди. Айтиш кераки, айтилган вақтга қадар режалаштирилган ишлар тартиби билан бажарилди.

Хусусан, 447 минг 845 та хонадоннинг ташқи девори, 224 минг 628 тасининг ошхонаси таъмирланди, 1 миллион 473 мингта хонадон томорқаси тартибга келтирилди. Шунингдек, кўп қаватли уйлар атро-

фини тозалаш, уларнинг кириш йўлакларини таъмирлаш, дарахтларга шакл бериш ишлари бажарилди.

“Обод кўча” мезони асосида 140 минг 319 та кўчани тозалаш режалаштирилган бўлиб, деярли барчасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 95 минг

430 километр ариқ ва лотоклар тозаланди, 19 минг 931 километр ички йўллар асфальтланди, 2 минг 733 километр қисми шағаллаштирилди, 175 миллиондан зиёд ташқи ёритиш чироклари ўрнатилди. Кўча бўйларидagi томорқалар чопилди, 2 миллионга яқин узум-ток кўчтлар экилди. 12 мингдан

ортиқ болалар ва спорт майдончалари, 10 мингдан зиёд қабристон тартибга келтирилди.

Умуман олганда, “Долзарб бир ойлик” халқимизнинг тозалик ва ободликка бўлган интилишларини, бунёдкорлик руҳини ўзида ифода этди. Маҳаллаларда бу каби ишлар ҳамон давом этмоқда.

## БУГУНГИ СОНДА:

### Раисни ҳақиқий раҳбар, деб қабул қилишса...

Шу ўринда маҳалла тизими оид айрим мулоҳазаларни келтириб ўтмоқчи эдим. Агар раис “еттилик”нинг бошқа вакилларига бош бўла олса, уни ўзининг раҳбари сифатида кўрса, юртимиздаги барча маҳаллаларда иш яхши бўлади, ортиқча эътироз ва камчиликларга ўрин қолмайди.

2-с.

### Намунали ходимлар тажрибасини тарғиб қилиш зарур

Танлаган соҳам ўзимга жуда ёқади. Одамлар билан дилдан суҳбат қураётган эканман, уларнинг ҳали очилмаган кўпга иқтидор қирралари борлигига ғувоҳ бўлганман. Айримларнинг ноғиронлиги бўлишига қарамай, интилиши баланд, яшашига бўлган иштиёқи чексиз.

6-с.

### “Ҳар оила бут бўлса, шудир ишимизга берилган баҳо”

Мени кўп ўйлантирадиган муаммолардан бири – оилавий ажралишлар масаласидир. Олиб борилган тизимли тадбирлар самараси ўлароқ жорий йил бошидан буён ҳудудимизда бу салбий ҳолат ҳали қайд этилмади. Лекин 2022 йилда турмуш қурган ёш оила вакиллари бир ойдан буён келиша олмай, алоҳида-алоҳида яшапти. Мажаронинг сабабини ўрганганимизда, кув келини телефонда бошқа биров билан ёшиганини рўқач қилди.

7-с.

**ХАЛҚАРО ТАЖРИБА**

## Уюшма вакиллари Қирғиз Республикасида!

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вакиллари иборат Ўзбекистон делегацияси Қирғиз Республикасига ташриф буюрди.



Даставвал пойтахт Бишкек шаҳридаги Қирғизистон маҳаллий ўзини ўзи бошқариш иттифоқида учрашув ташкил этилди. Учрашув аввалида қайд этилганидек, бугунги кунда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Саидир Жапаровнинг сиёсий иродаси, мустақкам дўстлиги сабаб мамлакатларимиз биргаликда ривожланиш йўлидан бормоқда.

Учрашувда Ўзбекистоннинг ноёб тузилмаси бўлган маҳалла

институтини, Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган “маҳалла еттилиги” фаолияти хусусида батафсил маълумот берди. Қирғиз экспертлари таъкидлаганидек, мазкур ноёб тизим мамлакатда ишсизлик, миграция, оилавий ажралишлар, жиноятчилик кўрсаткичларининг кескин пасайишига катта туртки берди. Шунинг учун мазкур амалиётга дунё давлат-

ларининг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан катта қизқиш билдирилмоқда.

Учрашувда Қирғиз Республикасининг ўзини ўзи бошқариш тизими, мамлакатнинг бугунги ривожланиш жараёни ҳақида маълумот берилди. Томонлар айти йўналишда келгусида ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган режаларни белгилаб олди.

## ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСЛАРИ САЙЛОВИДА ФАОЛ БЎЛИНГ!



Муножат ЙЎЛЧИЕВА, Ўзбекистон қахрамони, Ўзбекистон халқ артисти, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

– Жорий йил республикамизнинг барча ҳудудларида маҳалла раислари сайлови бўлиб ўтади. Бу сафарги сайлов ҳар қачонгидан-да муҳим. Чунки эндиликда маҳалла раиси беш йил давомида “еттилик” билан биргаликда ҳудуд ободлиги, фуқаролар бандлиги, оилалар мустақкамлиги, ёшларнинг баркамол улғайишига масъул ҳисобланади. Шу боис мен ҳам маҳалламизнинг фаровонлигини таъминлаш мақсадида маҳалла раислари сайловида қатнашиб, ўзимга муносиб бўлган номзодга овоз бераман. Бу жараёнда сиз ҳам четда қолманг! Барча юртдошларимизни мазкур сайловда фаол иштирок этиб, маҳаллангиз тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида тиним билмайдиган ишончли номзодга овоз беришига чақираман.



Президент Шавкат Мирзиёев ПАРЛАМЕНТЛАРАО ИТТИФОҚ раиси Тулия Эхсон ва бош котиби Мартин Чунгондан иборат делегацияни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари БМТ БОШ КОТИБИНИНГ болаларга нисбатан зўравонлик масалалари бўйича махсус вакили Нажат Маала билан мулоқот қилди.



Президент Шавкат Мирзиёев МАРКАЗИЙ ОСИЁ мамлакатлари парламентлари делегациялари раҳбарлари билан учрашди.

МУЛОҲАЗА

## Раисни ҳақиқий раҳбар, деб қабул қилишса...

Ёши саксонга яқинлашиб қолган онам ҳар куни ишга кетишимдан олдин ишимга ривож, юртимизга тинчлик сўраб, қўлларини дуога очади. Бунда катта ҳикмат бор. Шунинг ортидан кўнглим хотиржам, бошлаган юмушларим тез ва осон битади.



Назиржон АБДУЛҲАФИЗОВ, Чуст туманидаги "Булоқбоши" маҳалласи раиси, "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони совриндори.

Волидамнинг "Ҳалолликнинг томири қирқта, ҳаромники битта бўлади", деган ўғитларини ўзимга дастуриламал қилиб олганман. Қолаверса, инсонларнинг кўнглига қарашга, шароит ва вазиятидан қатъий назар, чиройли муомала қилишга ҳаракат қиляпман. Бу усул доим ўз самарасини беради. Агар одамларни рози қила олсан, ишонинг, ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо қолмайди. Бошқа барча масалаларга ечим топишнинг имкони бор.

Раислик менга отамерос, десам янглиш бўлмайди. Отам 1990-1997 йиллар давомида шу маҳаллага оқсоқоллик қилган. Уша вақтда айна хонадонларни газлаштириш жараёнлари авжига чиққан палла эди. Ҳали ҳам елкасида қувур ташигани кўз олдимда. Қилинган ҳеч бир меҳнат бесамар кетмас экан. Мана, бугун ҳудудимиз обод масканга айланди. 2024 йилда 16 километр ички йўллар асфальтлаштирилди. Янги симёочлар ўрнатилди. Бу йил хайрли ишларимизни давом эттирган ҳолда янги қурилган хонадонлар учун трансформатор ўрнатиб бермоқчимиз. Бундан ташқари, спорт ихлосмандлари учун усти ёпик спорт зали қуриляпти. Тез кўнларда у ўз ишини бошлайди. Ажаб эмас, шу сабаб, ҳудудимиздан чемпионлар етишиб чиқса...

Олмос туманидаги энг катта қишлоқлардан бири, 50 минг нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуд 9 та маҳалладан иборат. Олмосликлар республикамизнинг турли вилоятларида мавсумий деҳқончилик билан шуғулланишдан хабарингиз бўлса керак. Ёз ойларида маҳалладошларимизнинг кетмон чопиб, тўққан пешона терлари бошидаги рўмолини ивйтиб юборади. Қандай экин экмасин, юқори даражада ҳосилдорликка эришади. Энди бу анъанани бироз ўзгартириш вақти келди.



Шунинг учун ёшларни кўпроқ билим олишга, ўз устида ишлаб, осонроқ даромад топишга ундаймиз. Шуқрки, маҳалламизда ўқимишли, олий маълумотли ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Қолаверса, янги очилаётган касибчилик, тикувчилик ва металлургия корхоналарида ишловчилар сони ортмоқда.

Охирги вақтда ўзини тадбиркорлик йўналишида синаб кўришга қарор қилган фуқаролар ҳам кўплаб топилади. Хусусан, Фарҳоджон Абдурахмонов 5-6 йилдан буён паррандачилик билан шуғулланиб келяпти. Айна вақтда 4-5 мингга яқин товۇқ парваришлаб, ички бозорга тухум ва гўшт маҳсулотлари етказиб бермоқда. 8 нафар кишининг доимий бандлигини таъминлаган. Даромадидан кам таъминланган ҳамда муҳтож оилаларга ёрдам бериб туради. Фарҳоджон каби саховатпеша инсонлар кўмаги билан кўплаб ночор оилаларнинг турмуш шароити яхшиланиб боряпти. Жумладан, жорий йилда 1 гуруҳ ногирони бўлган Авазбек Абдурахимовга 2 хонали уй қуриб берилди. Авазбекнинг жуда хароба ҳолатда эди. Энди у ўз яқинлари билан қулай ва шинам хоналарда шодон ҳаёт кечирмоқда.

Шу ўринда маҳалла тизимига оид айрим мулоҳазаларни келтириб ўтмоқчи эдим. Агар раис "еттилик"нинг бошқа вакилларига бош бўла олса, уни ўзининг раҳбари сифатида кўрса, юртимиздаги барча маҳаллаларда иш яхши бўлади, ортиқча эътироз ва камчиликларга ўрин қолмайди.

## Томорқа шунчаки экин майдони эмас, оилалар фаровонлиги омилидир



Маҳалламиз қадимий манзилгоҳлардан бири. Илгари бу ерда кўплаб боғлар бўлган. Шу боис "Боғолон" деб номланган. Йиғинда Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, киноактёр Тоҳир Саидов каби кўплаб машҳур инсонлар вояга етган.

Мухтор ЖУМАМУРОДОВ, Янгибозор туманидаги "Боғолон" маҳалласи раиси.

Тўрт мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган маҳалла "драйвери" – деҳқончилик.

Ҳудудда томорқачилик яхши ривожланган. Ҳар бир хонадонда ишқомли узум бор. Унга кўшимча тарзда 4-6 сотихли томорқасида картошка, сабзи, пиёз, помидор, булғор қалампир каби озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиряпти. Тўқсон фоиз аҳоли ўнtagача чорва мол-



Мухтор Жумамуродов Маҳалла тизими ходимлари кунда "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони билан тақдирланди.

лари боқишади. Шу боис сут, қатик, сариеғ ва гўшт ўзларидан чиқади.

Ҳозирда 9 та боғдорчилик, 6 та чорвачилик, 1 та паррандачилик, 5 та пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари бор. Аҳолининг аксарият қисми уларда мавсумий иш билан банд. Ўтган йили 35 нафар фуқарони миграциядан қайтариб, ер бериб, бандлигини таъминладик. Яна 37 нафар ёш деҳқончилик қилишни бошлади.

Одатда кунлик иш фаолиятини эрта тондан кўчаларни айланишдан бошлайман. Аҳоли ва кўча-бошилари билан мулоқотда бўлиб, янгиликлардан ха-

бардор этаман, муаммолардан огоҳ бўламан. Одамларга фойдаланишни, хонадонини озода сақлашни айтаман. Сўнгра маҳалла идорасига бораман. Бу ерда "маҳалла еттилиги" билан кунлик иш режамизни белгилаб, ўз йўналишларимиз бўйича ишга киришамиз.

Илм олишнинг эрта-кечи йўқ деганларидек, 47 ёшимда талаба бўлдим. Ҳозир Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университетининг сиртки бўлимида 3-курсда ўқияпман. Шундай бўлса-да, ҳар куни эрталаб "еттилик" билан телефон орқали гаплашиб, барча ишларни назорат қилиб боряпман.

Сўнги йилларда бизнинг маҳаллада ҳам кенг камровли бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Жумладан, аҳоли саломатлигини таъминлаш учун икки қаватли замонавий 64-оилавий поликлиникаси фойдаланишга топширилди. 14-мактаб тўлиқ таъмирланди. Аҳолининг 90 фоизи тоза ичимлик сув билан таъминланди. 27 та кўчанин 12 тасига шағал-тош ётқизилди. 12 таси асфальтланди. Ўтган йили "Ташаббусли бюджет" лойиҳасида 14-мактабни зарур жиҳозлар билан таъминлаш, автомайдон ва мини стадион қуриш бўйича ғолиб бўлдик. Айна кунда ҳудудда иккита умумтаълим, битта болалар спорт, битта касб-ҳунар мактаблари фаолият юртияпти.

Бир сўз билан айтганда, "Боғолон" маҳалласи обод бўлиб, хонадонларга файз-барака қиряпти.

ЛАВҲА

## Қизиқишдан тадбиркорликка қадар



Марғилон шаҳридаги "Туягум" маҳалласида истиқомат қилувчи Шухратжон Рустамов 2002 йилдан буён турли хил ноёб қушларни парваришлаб келмоқда.



Дастлаб атиги 4 бош қуш билан иш бошлаган тадбиркор бугунги кунда 12 турдан ортиқ, 2 минг 500 бошдан зиёд қушни парваришлаб, оилавий даромадини йўлга қўйган.

— Маҳалламизда 50 дан ортиқ хонадон қуш парвариши билан шуғулланади, — дейди Шухратжон Рустамов. — Бу йўналиш ҳудудимизнинг "драйвер" лойиҳаси сифатида танлаб олинган. Маслаҳат сўраб келганларга, қизиққанларга ёрдам бериб келяпман.

Тадбиркорнинг келгусидаги режалари катта. У қушлар савдосига ихтисослашган дўкон очишни мақсад қилган. Ушбу дўконда нафақат турли хил қушлар, балки уларга зарур бўлган маҳсулотлар, яъни озуқа, витамин ва гигиена воситалари, қафаслар сотилиши кўзда тутилган. Шу орқали янги иш ўринларини яратиш ҳам режалаштирилган.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси матбуот хизмати.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...


Элдор ҲОТАМОВ. Фарғона вилояти: — Бизнинг маҳаллада ҳам яқинда бўлиб ўтадиган йиғин раислари сайловига қизғин тайёргарлик кўриляпти. Айтинг-чи, қандай ҳолатда фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топиш мумкин?

## ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА САЙЛОВ ЎТМАГАН ДЕБ ТОПИЛАДИ?

Баҳром КУШБАҚОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ходими:

— Агар фуқаролар йиғини раиси сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Фуқаролар йиғини раиси сайлови фуқаролар вакиллари йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқаролар вакиллари учдан икки қисмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси сайлови давомида ёки овозларни санаб чиқишда йўл қўйилган ва овоз бериш якунларига таъсир қилган қоғдабузарликлар туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.





МАРКАЗИЙ ОСИЁ ва ЕВРОПА ИТТИФОҚИ энди стратегик шериклардир.



Ўзбекистон хорижий сайёҳлар оқими бўйича МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЕТАКЧИ ўринни эгаллади.



“Очиқ бюджет” ахборот порталида “МЕНИНГ БОҒИМ” лойиҳасининг 2025 йилги мавсуми бошланди. Лойиҳа учун 52 млрд. сўм маблағ ажратилади.

ЖАРАЁН

ҚУЛАЙЛИК

## АБАЙ ОВУЛИДА МАҲАЛЛА МАЖМУАСИ ҚУРИЛДИ

Президентнинг 2021 йил 18 сентябрдаги “Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Беруний тумани марказидан олис – Абай овул фуқаролар йиғини ҳудудини ривожлантириш учун 23 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши белгиланган.



Маъмур маблағ ҳисобидан аҳоли талабларидан келиб чиқиб, кўплаб ижтимоий соҳа объектлари қурилади. Инфратузилма билан боғлиқ муаммолар ҳал этиляпти. Яқинда лойиҳанинг биринчи босқичида қурилиши белгиланган маҳалла мажмуаси фойдаланишга топширилди.

– Бу абайликлар учун катта янгилик бўлди, – дейди Абай овул фуқаролар йиғини раиси Абат Тўнғишбаев. – Мажмуанинг биринчи қаватида маҳалла биноси жойлашган. Юқори қаватларида ўқув курслари, коворкинг ва “IT” маркази, спорт соғломлаштириш майдони, эркаклар ва аёллар сартарошхонаси, тикувчилик, нон пишириш цехлари ҳамда дўконлар ташкил этилган. Ушбу марказ аҳоли учун бир қатор қулайликлар яратиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожига катта ҳисса қўшади.

Шунингдек, келгусида Абай овул ҳудудида 8,5 километр тупроқ йўллари асфальтлаш, 90 ўринли болалар боғчаси, 3 қаватли аҳолига хизмат кўрсатиш маркази, 68-умумтаълим мактабига қўшимча ўқув биноси қуриш ҳамда 17-мактабни таъмирлаш режалаштирилган.

Шахноза ҲАЛИЛОВА.

# Кредитлар нақд пулда ажратилса...

Иқтисодий соҳасида ортирган тажрибаларим аҳоли тадбиркорлигини ривожлантиришда, кредит ва субсидиялар олиши учун йўл-йўриқ кўрсатишимизда қўл келди. Ҳаммамнинг кўнгиллини бирдек олиш мушкул, лекин маҳалладошларимни ишли қилишга ҳаракат қилияман.



Сирождин РАМАЗОНОВ, Қизилтепа туманидаги “Уртақўрғон” маҳалласи ҳоким ёрдამчиси.

Бугун қайси ҳудудга борманг, биринчи навбатда, фуқароларнинг бандлиги масаласи долзарб ҳисобланади. Биз ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратган ҳолда 150 нафар фуқарони ҳудуддаги

иккита – қурилишда фойдаланиладиган қўлқоп ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонага ишга жойлаштирдик. Йил бошидан буён хонадонларда имтиёзли кредит асосида иссиқхоналар қуриляпти. Ҳозир ана шундай хонадонларнинг 60 фоизда турли маҳсулотлар етиштириляпти. Уларда йилига уч марта ҳосил олинади. Дехқонлар мавсумни бодринг, помидор, қулпнай ниҳолини парваришладан бошлаб, пишган ҳосилни туманининг 4 та бозорига тарқатишади. Икки сотиқ иссиқхонада ниҳол етиштириш билан фаолиятини бо-

шлаган Шавқиддин Ғозиев иссиқхонасини яна 6 сотихга кенгайтирди. У маҳалламизнинг энг кўзга кўринган, ер билан қандай тиллашишни яхши биладиган миришкор дехқонлардан. Барча қатори томорқасини кетма-кет уч мавсумга ҳозирлаб, биринчи, ниҳол, кейин бодринг экади. Ундан кейин турли хил кўкатлар экиб, учинчи даромадини олади. Помидорнинг ўзидан бир мавсумда 70 миллион, бодрингдан 20 миллион, кўкатлардан 10 миллион сўмгача даромад олиниши кутил-япти. Энг муҳими, Шавқиддин ака кўшнилари ҳам ўз билим-кўникмаларини ўргатапти.

Маҳалламизда йил бошида 24 нафар ишсиз аниқланган эди. Шу вақтга қадар 4 нафарини доимий ишга жойлаштирдик. 18 нафарига кредит олиб бериб, томорқачиликда фаолиятини бошлашига кўмаклашилди. 4 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил қилинди. Унда 170 нафар аҳоли ўзини ўзи

банд қилган. Қишлоқ шароитида аёлларнинг кўпчилиги уйда чорва боқади, иссиқхонада даромадбоп маҳсулотлар етиштирилади, паррандачилик билан шуғулланади. Шу тариқа ҳар йили қаида 200 кишининг ишсизлигига барҳам берилаяпти.

Ҳозирда ҳудуддаги долзарб муаммо бу – сув масаласи. Бу йил аввалги йилга қараганда кам ёмғир ёғди. Шу боис сув танқислигини ҳал этиш учун меҳнатқаш аҳоли кўмагида ҳудудда 4 та қудуқ қазилди. Яна 2 та қудуқ очиш ҳаракатидамиз.

Тақлим шундан иборатки, фуқароларга ажратилаётган кредитлар нақд пулда берилса, яхши бўларди. Дейлик, харидор бозордан қорамол сотиб олмоқчи бўлса, кўриб, танлаб, арзонроққа олади. Таъминотчидан олганда жониворни тарозига чиқариб, килограммга ҳисоблайди. Бу харидорга қимматга тушяпти. Қолаверса, кўплаб фуқароларимиз ҳам шу фикрда.



## ИЖТИМОЙ ШАРТНОМАДА ҚАНДАЙ ШАРТЛАР БЎЛАДИ?

“ОИЛАЛАРНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШГА ҚАРАТИЛГАН КЎМАК ЧОРАЛАРИНИ КЎРСАТИШГА ДОИР ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҲУКУМАТ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Қарорга асосан, камбағал оилаларга ёрдэм дастлаб 2025 йил 1 мартдан Ҳовос туманида, 2025 йил 1 майдан республиканинг бошқа ҳудудларида ижтимоий шартнома асосида кўрсатилади.

Ижтимоий шартнома камбағал оиланинг муомаласига лаё-



қатли вакили ва маҳалла раиси ҳамда ҳоким ёрдэмчиси ўртасида ушбу оилага нисбатан шакллантирилган индивидуал режа тасдиқлангандан сўнг тузилади. Ижтимоий кўмак турларини олиш учун камбағал оилалар меҳнатга лаёқатли оила аъзо-

ларнинг бандлигини таъминлаш, ўз томорқасидан самарали фойдаланиш (экин экиш), оила аъзолари, шу жумладан, фарзандларининг билим олиши, касб-ҳунар ва хорижий тилларни ўрганиши ҳамда соғлиғини назоратга олиши, уй-жойини озода тутиши каби шартларни бажариши зарур. Шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, ушбу оилаларга тўланадиган бола пули

ва моддий ёрдэм миқдори “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарори билан 30 фоизгача камайирилади. Бундай фуқароларнинг Реестри юритилади. Реестрда бўлган даврда уларга кредит, субсидия, грант ва моддий ёрдэм турлари учун тавсиялар берилмайди.

Ижтимоий шартномада назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини “маҳалла еттилиги” мунтазам равишда мониторинг қилиб боради.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

# Ёшлар нега ишга жойлашишда қийналяпти?

ТАҲЛИЛ

“ЮКСАЛИШ” ҲАРАКАТИ ИШ БЕРУВЧИЛАРНИНГ ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ФИКРИНИ ЎРГАНИШ МАҚСАДИДА СЎРОВНОМА ЎТКАЗДИ. УШБУ ТАҲЛИЛ ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА МАВЖУД МУАММОЛАРНИ ТУШУНИШГА ЁРДЭМ БERAДИ.

Санжар ИСМАТОВ.

Иш берувчилар қандай камчиликларни кўрапти? Иш берувчиларнинг тахминан учдан бир қисми – 27,8 фоизи кадрларнинг олий таълим муассасасида олган базавий билимлари етарли эмаслигини таъкидлайди. Бу таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш ва талабаларни амалиётга кўпроқ йўналтириш зарурлигини кўрсатади. Қолаверса, мустакил ривожланишга бўлган интилишнинг пастиги яна бир муаммо сифатида белгиланган.

Сўров натижаларидан маълум бўлишича, раҳбарларнинг 8,7 фоизи – мустакил профессионал ривожланишга ҳаракат қилмайдиган, 8,1 фоизи – тизимли ва танқидий фикрлай олмай-диган, 4 фоизи – мулоқот кўникмалари ва 2,9 фоизи – лидерлик сифатларига эга бўлмаган ёш кадрларга дуч келмоқда. Бу раҳбарнинг йўқлиги ва ўқиш учун шароитнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ўрганишларда аксарият ёш кадрларда ахборот технологиялари билан ишлаш бўйича кўникмалар етарли эмаслиги,



чет тилларини билмаслиги аён бўлди. Рақамлаштириш ва глобаллашув шароитида бу зарурий кўникмаларсиз ёш ходимларнинг касбий истиқболлари чекланиши мумкин.

Иш берувчилар ёшларга қанча миқдорда маош беришга тайёр? Аксарият иш берувчилар ёш мутахассисларга тўрт миллиондан олти миллион сўмгача бўлган маошни таклиф қилишга тайёр. Бу энг кам таърибага эга ходимлар меҳнати учун тўланадиган пул миқдорини акс эттиради. 39,4 фоиз респондент 4-5 миллион сўм миқдоридagi маблағни иш бошлаш учун мақбул, деб билади. Шу билан

бирга, сўралганларнинг учдан бири янги ходимларга 5-6 миллион сўм таклиф қилишга тайёр. Бироқ юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари кам учрайдиган ҳолатлигича қолмоқда – респондентларнинг фақат 5,2 фоизи 10 миллион ва ундан юқори маош тўлай олади. Бу эса ёш мутахассисларнинг иш бошлаган вақтда муносиб ҳақ олиш имкониятини чеклайди.

Онлайн платформалар, шахсий алоқалар ва бандликка доир сайтлар иш берувчилар учун ёш мутахассисларни излашда

асосий манба бўлиб қолмоқда. Вазиятни қандай яхшилаш мумкин? Энг аввало, мустакил ривожланиш учун шароит яратиш зарур. Барқарор иш ҳақи ва муқофот ёки грант каби рағбатлантириш тизими орқали ёш мутахассисларни ушлаб қолиш ҳамда уларнинг ривожланишига ҳисса қўлиши мумкин. Қолаверса, касбий фаолиятда ўқиш учун имконият яратиш муҳим, ҳорижда малака оширишни ташкиллаштиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Ёш кадрларда ахборот технологиялари билан ишлаш бўйича кўникмалар етарли эмаслиги, чет тилларини билмаслиги аён бўляпти.

Юқоридagi сўров натижаларидан келиб чиқиб, айрим тавсияларни билдириш мумкин:

Биринчидан, таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш ва амалиёт кўникмаларига ҳамда назарияни амалиётда қўллашга урғу бериш зарур. Шунингдек, талабаларга ўқишни тугатгунча қадар компанияларда ҳақиқий иш тажрибасини тўплаш имкониятини бериш керак;

Иккинчидан, иш берувчилар ходимлар учун ички ўқув ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, таъқи курслар ва тренингларида иштирок этишини рағбатлантириш лозим;

Учинчидан, рақобатбардош меҳнат шарт-шароитлари билан бир қаторда, ижтимоий ва тиббий имтиёزلарни ўз ичига олган таклифлар иш берувчининг салоҳиятини ошириши мумкин;

Тўртинчидан, иш берувчилар бўлажак кадрларни бозор талабларига тайёрлаш учун олий ўқув юртлари билан фаол ҳамкорлик қилиши лозим. Бу ҳамкорлик

тўғрисидаги шартномалар, қўшма дастурлар ва иш берувчиларнинг ўқув жараёнида иштирок этишини ўз ичига олиш мумкин; Бешинчидан, ёш мутахассислар ўзларини кадрли ва эътиборга лойиқ деб ҳис қилишлари учун ижобий корпоратив маданиятни шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, иш берувчилар ўртасида ўтказилган сўровнома ёш кадрлар билан ишлашдаги афзаллик ва камчиликларни аниқлади. Асосий муаммолар сифатида билимларнинг етишмаслиги ва мустакил ривожланишга бўлган интилишнинг камлиги қайд этилган. Шу билан бирга, иш берувчилар барқарор маош ва касбий ўсишга эътибор қаратган ҳолда рақобатбардош иш шарт-шароитларини таклиф қилишга тайёр. Номзодларни танлаш жараёнида рақамли платформалар ва таълим муассасалари аҳамиятини таъкидлаш зарур.



**2025 йил I чорагида ДАВЛАТ БЮДЖЕТИга белгиланган 45,5 трлн. сўм ўрнига 48,2 трлн. сўм тушумлар таъминланди ёки 2,7 трлн. сўм қўшимча маблағлар жалб қилинди.**

| №   | Ташкилот | Сўм | Рейтинг |
|-----|----------|-----|---------|
| 01  | ...      | ... | ...     |
| 02  | ...      | ... | ...     |
| 03  | ...      | ... | ...     |
| 04  | ...      | ... | ...     |
| 05  | ...      | ... | ...     |
| 06  | ...      | ... | ...     |
| 07  | ...      | ... | ...     |
| 08  | ...      | ... | ...     |
| 09  | ...      | ... | ...     |
| 10  | ...      | ... | ...     |
| 11  | ...      | ... | ...     |
| 12  | ...      | ... | ...     |
| 13  | ...      | ... | ...     |
| 14  | ...      | ... | ...     |
| 15  | ...      | ... | ...     |
| 16  | ...      | ... | ...     |
| 17  | ...      | ... | ...     |
| 18  | ...      | ... | ...     |
| 19  | ...      | ... | ...     |
| 20  | ...      | ... | ...     |
| 21  | ...      | ... | ...     |
| 22  | ...      | ... | ...     |
| 23  | ...      | ... | ...     |
| 24  | ...      | ... | ...     |
| 25  | ...      | ... | ...     |
| 26  | ...      | ... | ...     |
| 27  | ...      | ... | ...     |
| 28  | ...      | ... | ...     |
| 29  | ...      | ... | ...     |
| 30  | ...      | ... | ...     |
| 31  | ...      | ... | ...     |
| 32  | ...      | ... | ...     |
| 33  | ...      | ... | ...     |
| 34  | ...      | ... | ...     |
| 35  | ...      | ... | ...     |
| 36  | ...      | ... | ...     |
| 37  | ...      | ... | ...     |
| 38  | ...      | ... | ...     |
| 39  | ...      | ... | ...     |
| 40  | ...      | ... | ...     |
| 41  | ...      | ... | ...     |
| 42  | ...      | ... | ...     |
| 43  | ...      | ... | ...     |
| 44  | ...      | ... | ...     |
| 45  | ...      | ... | ...     |
| 46  | ...      | ... | ...     |
| 47  | ...      | ... | ...     |
| 48  | ...      | ... | ...     |
| 49  | ...      | ... | ...     |
| 50  | ...      | ... | ...     |
| 51  | ...      | ... | ...     |
| 52  | ...      | ... | ...     |
| 53  | ...      | ... | ...     |
| 54  | ...      | ... | ...     |
| 55  | ...      | ... | ...     |
| 56  | ...      | ... | ...     |
| 57  | ...      | ... | ...     |
| 58  | ...      | ... | ...     |
| 59  | ...      | ... | ...     |
| 60  | ...      | ... | ...     |
| 61  | ...      | ... | ...     |
| 62  | ...      | ... | ...     |
| 63  | ...      | ... | ...     |
| 64  | ...      | ... | ...     |
| 65  | ...      | ... | ...     |
| 66  | ...      | ... | ...     |
| 67  | ...      | ... | ...     |
| 68  | ...      | ... | ...     |
| 69  | ...      | ... | ...     |
| 70  | ...      | ... | ...     |
| 71  | ...      | ... | ...     |
| 72  | ...      | ... | ...     |
| 73  | ...      | ... | ...     |
| 74  | ...      | ... | ...     |
| 75  | ...      | ... | ...     |
| 76  | ...      | ... | ...     |
| 77  | ...      | ... | ...     |
| 78  | ...      | ... | ...     |
| 79  | ...      | ... | ...     |
| 80  | ...      | ... | ...     |
| 81  | ...      | ... | ...     |
| 82  | ...      | ... | ...     |
| 83  | ...      | ... | ...     |
| 84  | ...      | ... | ...     |
| 85  | ...      | ... | ...     |
| 86  | ...      | ... | ...     |
| 87  | ...      | ... | ...     |
| 88  | ...      | ... | ...     |
| 89  | ...      | ... | ...     |
| 90  | ...      | ... | ...     |
| 91  | ...      | ... | ...     |
| 92  | ...      | ... | ...     |
| 93  | ...      | ... | ...     |
| 94  | ...      | ... | ...     |
| 95  | ...      | ... | ...     |
| 96  | ...      | ... | ...     |
| 97  | ...      | ... | ...     |
| 98  | ...      | ... | ...     |
| 99  | ...      | ... | ...     |
| 100 | ...      | ... | ...     |

**Солиқ қўмитаси КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ РЕЙТИНГИда 103 та давлат ташкилоти ичидан “яқши” деб топилиб, 92 балл билан 4-ўринни эгаллади.**



**Ўзбекистонда 2026 йилдан бошлаб айланмадан СОЛИҚНИНГ ҚАТЪЙИ СТАВКАЛАРИ бекор қилиниши мумкин.**

# “Кадастр ҳужжати ҳал этилса, солиқ тушуми янада ортади”

ДИЛМУРОД ШОКИРОВ МАХАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИДА “МАХАЛЛА ИФТИХОРИ” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ.



**Дилмурод ШОКИРОВ, Сирдарё туманидаги “Исломобод” ва “Матонат” маҳаллалари солиқ инспектори.**

Кунлик иш фаолиятимни маҳаллалар кўчаларини айланишдан бошлайман. Сўнгра “еттилик” аъзолари билан кунлик режимида маслаҳатлашиб, ўз йўналишимиз бўйича ишга киришамиз. Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, солиқ инспекторларининг маҳаллаларга бириктирилиши аҳолига кўплаб қулайлик яратди. Биринчи навбатда, одамлар туман марказига қатнаб, навбатда туришдан қутулди. Шунингдек, ҳар бир тадбиркорлик субъекти ва хонадонга кириб, уларни солиқ қонунчилиги, имтиёз ва имкониятлар ҳақида хабардор этилди. Солиқ амалиётларини “Soliq” мобил иловаси орқали амалга оширишни ўргатилди. Натижада чакана савдо билан шуғулланиш истагини билдираётган

фуқаролар сони кўпайди. Шу боис “Тадбиркорга кўмак” тамойили асосида бўлажак тадбиркорларга қонуний фаолият юритиши бўйича маслаҳат ва зарур ёрдамлар берялмиз. Баъзи ҳолатларда бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларини топширишига кўмаклашялман.

Аҳоли ўртасида соҳага доир тарғибот тадбирларимиз, айниқса, мол-мулк ва ер солигидан тушадиган солиқ тушумларнинг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қолишининг тушунтирили-

**“Исломобод” маҳалласида тадбиркорлик – чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари ривожланган.**

ши натижасида одамларда солиқ тўлаш маданияти ортади. Масалан, 15 апрель келмасиданоқ 40 фоиз аҳоли мол-мулк ва ер солигининг бир йиллигини тўлиқ тўлашди. Бугунги кунда “Исломобод” маҳалласида тадбиркорлик – чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари ривожланган. “Матонат” йиғинида қисман чакана савдо ва деҳқон хўжаликлари бор. Жорий йилнинг ўзида 15 нафар яқка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилиб, турли тадбиркорлик субъекти, қорхона ва фермер хўжаликларида норасмий меҳнат қилаётган 35 нафар ишчи-ходимнинг фаолияти қонунийлаштирилди.

Мазкур маҳаллаларда иш бошлаганидан буён солиқ тушумлари 55 фоизга кўпайди. Утган март ойининг ўзида режадаги 80 миллион сўм солиқ тушумини ортиғи билан бажардик. Ҳозирда менга бириктирилган ҳудудларда 15 та юридик қорхона, балиқчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган 9 та фермер хўжалиги,

35 нафар яқка тартибдаги тадбиркор, 1 115 та мол-мулк ва ер солиғи тўловчиси бор. 127 та деҳқон хўжалиги картошка, пиёз, сабзи, помидор, булғор қалампир каби турли полиз маҳсулотлари етиштиряпти. Ўзини ўзи банд қилган 954 нафар фуқаронинг аксарияти таксичилик ва қурувчилик йўналишларида расмий даромадга эга бўляпти.

Ҳар икки маҳаллада ҳам кадастр ҳужжати билан боғлиқ муаммолар бор. Айрим фуқароларнинг яшаб турган уй-жойининг кадастр ҳужжати йўқлиги сабаб, солиқ ундириш муаммо бўляпти. Агар ушбу масала ҳал этилса, солиқ тушуми янада ортади. Бундан ташқари, деҳқон хўжаликлари ва ёшларга 35 сотихдан берилган ер майдонларида етиштирилаётган деҳқон хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишни режалаштирялмиз. Агар ушбу ташаббус амалга ошса, кўплаб янги иш ўринлари яратилади. Ўз навбатида, аҳолининг даромади ортиб, “маҳалла бюджети” кўпаяди.



“СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ”

РЕЙТИНГ

## ЭНГ ФАОЛ СОЛИҚ ИНСПЕКТОРЛАРИ

2025 йил март ойида “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизимида солиқ инспекторларининг самарадорлик кўрсаткичи (KPI) 81 баллни ташкил этди.

| MAHALLALARGA BIRIKTIRILGAN SOLIQ INSPEKTORLARINING 2025-YIL MART OYI YAKUNLARI SAMARADORLIK KO'RSATKICHLARI | 16 mahalla | 47 mahalla | 83 mahalla | 319 mahalla | 3 189 mahalla | 292 mahalla | 395 mahalla |
|---|------------|------------|------------|-------------|---------------|-------------|-------------|
| SOLIQ INSPEKTORLARINING O'RTACHA KPI BALLI  | 11         | 102        | 182        | 206         | 133           | 9 453       | 4 311       |
| ...   | ...        | ...        | ...        | ...         | ...           | ...         | ...         |

Умумий рейтингда Фарғона вилояти (83,2 фоиз), Хоразм вилояти (83,1 фоиз), Сирдарё вилояти (82,7 фоиз) солиқ инспекторлари ҳиссаси юқори бўлди. Маҳаллаларга бириктирилган инспекторларнинг 90 дан юқори балл жамғарган 435 нафар (шундан 16 нафари 100 балл олган) ходими ой

яқуни бўйича мукофотланди. Шунингдек, 3 189 нафари 65 дан 90 баллгача, 292 нафари 60 дан 65 баллни кўлга киритди. Иш самарадорлиги бўйича 60 дан паст балл тўплаган инспекторлар сони 395 нафарни ташкил этди. **Маълумот учун,** “маҳаллабай” тизимида республика бўйича 9 452 та маҳаллада 4 311 нафар солиқ инспектори бевосита фаолият олиб бормоқда.

БИЛАСИЗМИ?

## СОЛИҚ АУДИТИ НИМА?

Муайян давр учун солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш солиқ аудитидир.



Солиқ аудити солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб солиқ тўловчига (солиқ агентига) нисбатан ўтказилади. Солиқ органлари солиқ аудити ўтказилиши бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин солиқ тўловчига солиқ аудити ўтказилиши тўғрисида хабарнома юборади.

Агар солиқларни тўлашдан бўйин товлаш белгилари мавжуд бўлса, солиқ органи Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда солиқ тўловчини олдиндан хабардор этмасдан солиқ аудитини бошлашга ҳақлидир.

Солиқ қўмитаси йирик солиқ тўловчилар ҳудудлараро солиқ инспекцияси

### МЕНДА САВОЛ БОР...

Нуриддин РЎЗИЕВ, Сурхондарё вилояти:

– ҲОЗИР НИМА УЧУН “SOLIQ” МОБИЛ ИЛОВАСИДА МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИ БЎЙИЧА ҚАРЗДОРЛИК КЎРСАТИЛМАЯПТИ?

### НЕГА СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИ КЎРСАТИЛМАЯПТИ?



Дилдора ҲОШИМОВА, Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи:

– Жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиқларини тенг улушларда 15 апрель ва 15 октябргача тўлайди. Бугунги кунда 15 апрелгача тўланиши лозим бўлган сумма “Solliq” мобил иловасида акс этмоқда, лекин ҳозирча қарздорлик ҳисобланмайд.

Бироқ 15 апрелдан сўнг ушбу сумма жисмоний шахснинг қарздорлигига айланади ва унга ҳар бир кун учун пеня ёзилади. Шу боис 15 апрелга қадар жорий йил учун ҳисобланган мол-мулк ва ер солиғи суммасининг биринчи ярмини тўлашни унутманг.

Фуқаролар солиқ тўловларини электрон тўлов тизимлари (“Solliq”, “Click”, “Payme”, “Paynet” мобил иловалари), маҳаллага бириктирилган солиқ инспекторининг “SAYT” терминали ҳамда банк кассалари орқали тўлашлари мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, солиқлар муддатида тўланмаган тақдирда, кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун пеня ҳисобланади.

Фарғона вилоятида ҳар бир маҳалланинг ўзига хос ривожланиш нуқтаси, яъни “драйвери” бор. Масалан, Тошлоқ туманининг олне ҳудудларидан бири – “Бесаранг” маҳалласи қовун ва қарам етиштиришга ихтисослашган.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси Фарғона вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Хозирда 92 гектардан ортиқ аҳоли томорқаларининг 55,5 гектарида қовун кўчатлари экилган. 26,4 гектарида қарам, 5,8 гектарида бодиринг, 4,5 гектарида помидор етиштириляпти. 754 та хонадоннинг деярли ҳар бирида кичик иссиқхоналар бор.

Бесарангликлар қовунчиликни асосий даромад манбаига айлантирганига 10 йилдан ошди. Худуднинг ўзига хос иқлим ва тупроқ шароитида пишиб етилган тилёрар қовунлар қўшни давлатларга ҳам етиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, маҳалланинг “драйвери”ни янада ривожлантириш заруратини юзга чиқарди. Шу боис “маҳалла еттилиги”нинг тавсияси асосида ҳудуддаги 20 гектардан ортиқ унмдор ерлар вақтинча ишсиз, деҳқончилик қилиш истагидаги фуқароларга узок йиллик ижара асосида ажратиб

# “Бесаранг” да ИШСИЗЛИК МУАММОСИ ЙЎҚ

ТАЖРИБА



Мазкур маҳаллада ишсизлик деган муаммонинг ўзи йўқ.

берилди. Уч йилдирки, “Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида йилига уч марта қовун, қарам, маккажўхори каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириляпти. Улар қовун етиштиришда катта тажрибага эга. Ҳар йили

май ойи ўрталарида бозорларга қовун чиқаради. Нафақадаги педагог Баҳодир Ашуровнинг 7 сотих томорқасида бир йилда 5-6 хил турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиряпти. Барча маҳсулотлар кўчатини ўзи тайёрлайди.

Назиржон Қўрчиев шу маҳалла фуқароси. Ерни яқши кўради. Томорқаси унча катта эмас. Шу боис кўп йиллар фермер хўжаликларининг экиндан бўшаган ерларидан ижара асосида фойдаланиб келди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан “аҳолига

деҳқончилик қилиш учун ижара асосида экин ерлари ажратилар экан”, деган хабарни эшитганда биринчилардан бўлиб аукционда қатнашди. Икки йилдирки, ўзига ажратилган 15 сотих ерда оиласи билан қовун ва қарам етиштиряпти.

Мазкур маҳаллада ишсизлик деган муаммонинг ўзи йўқ. Ҳамма меҳнатда, томорқада банд. Шу боис жиноятдан холи ҳудуд. Бирорта фуқаро “кам-бағалман, менга ёрдам беринг”, деб ҳеч кимга қўл чўзмайди, меҳнат қилишади. Унинг роҳати ҳам шунга яраша бўляпти.



**ОТБ, ОИИБ ҳамда Озарбайжон, Қозоғистон ва Ўзбекистон энергетика вазирликлари ўртасида Каспий яшил энергия йўлаги лойиҳаси бўйича Англашув меморандуми имзоланди.**



**Қорақалпоғистон Республикасида 1000 МВт. қувватга эга шамол электр станцияси қурилади.**



**Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси 37 708 861 кишини ташкил этди. Шундан: аёллар сони – 18 718 679 киши; эркеклар сони – 18 990 182 киши.**

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

# “Ҳуқуқий тарғибот жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиради”

МАҲАЛЛАМИЗ ТУМАН МАРКАЗИДАН 20 КИЛОМЕТР ОЛИСДА, ТОҒЛИ ХУДУДДА ЖОЙЛАШГАН. САМАРКАНД ВИЛОЯТИНИНГ ПАЙАРИҚ ТУМАНИ БИЛАН ЧЕГАРАДОШ. ТҮРТ МИНГГА Яқин АҲОЛИ ЯШАЙДИГАН ЙИГИН ОЛТИТА — КАТТАСОЙ, ОЛАҚОП, КАЛСАРИ, ҚҮРҒОН-ТЕПА, ОКТОШ ВА ТЕПАЛИ ҚИШЛОҚЛАРИДАН ИБОРАТ. ХУДУДДА УЧТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ, БИТТА ДАВЛАТ, ИККИТА ХУСУСИЙ БОҒЧА ҲАМДА МАСЖИД БОР.



**Сардор ЭСИРГАПОВ, Фориш туманидаги “Мустақиллик” маҳалласи профилактика инспектори.**

**Х**онадонлар бир-биридан анча олисда, тоғлар орасида жойлашган. Маҳалла анча кенг ёйилган – бу четидан у бурчигача 15 километр. Аҳолининг асосий даромади – чорвачилик ва деҳқончиликдан иборат. Хар бир хонадонда 10-15 бош қўй, 1-2 тадан қорамол бор. Томорқалар лалми ер бўлгани учун одамлар, асосан, ғалла ва нўхат экишади.

Худуд катта бўлса-да, фуқаролар бир-бирини яқин танигани, қавму қариндош бўлиб кетгани учун ўзаро жанжаллашиш йўқ. Лекин айрим ҳолларда фуқароларнинг молларини насияга сотиб олиб, ўз вақтида пулини бермаган ҳолатлар ҳамда экинларга молларнинг оралаб кетиши натижасида ғалла ва нўхат пайҳон бўлаётгани бўйича аризалар келиб тушади. Бунинг олдини олиш учун аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бораёмиз. Бу борада бизга маҳалла оқсоқоллари яқиндан кўмаклашапти. Бу ерда кексаларнинг гапи ўз таъсирига эга.

Худудда бирор ишлаб чиқариш корхонаси ёки тадбиркорлик кенг ривожланмагани учун ишсизлик муаммоси бор. Шу сабаб меҳнатга лаёқатли аҳолининг аксарияти чет элда ишлайди. Улар учун

алоҳида телеграм гуруҳ очиб, ким қайси давлатга, қандай ишга кетаётганидан хабардор бўлиб, рўйхатини шакллантириб бораёман. Хар ой хорижга чиққан фуқаролар билан мулоқотда бўлиб, ишлаш ва яшаш шaroитларини ўрганаёман. Шунингдек, уларнинг ота-оналари ва оила аъзолари билан учрашувлар ўтказиб, вояга етмаган фарзандлари тарбиясини назоратга олганмиз.

**Асосий вазифам** – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш бўлгани учун аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, уларни киберхавфсизлик, онлайн қимор ўйинлардан

хабардор этиб, уларнинг асл сабабларини тушунтириб бораёман. Ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, “маҳалла еттилиги” билан муаммоларини ҳал этиш чораларини кўраёмиз. Уйма-уй юриш тизими асосида нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, руҳий касалликка чалинган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишлаяёман.

Маҳалланинг кичир-чиқир жойига инсон юзидан танувчи, транспорт воситаларини давлат рақамидан кимга тегишлигини аниқловчи видеокузатув қурилмалари ўрнатдик. Шунингдек, “еттилик” ва жамоатчилик вакилларидан иборат тунги навбатчилик гуруҳи ташкил этилган. Бу борадаги ишлар Президентимизнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самардорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ишлаб чиқилган “йўл харитаси” доирасида амалга ошириляпти.

**Бугунги нотинч, тараққиёт даврида ёшлар таълим-тарбияси жуда долзарб.** Шу боис “мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлигида мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбияси, дарса мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда

бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратяёмиз. Мактабларда турли тўғарақлар ташкил этилиб, “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллалараро турли фан, санъат ва спорт мусобақалари ўтказилляпти.

Ўзим йиғиндан 20 километр олисдаги “Гараша” маҳалласиданман. Бу ерда хизмат уйим бўлмаса-да, хар бир хонадон билан самарали ишлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар оқсоқолларини таъминлаш ва хавфсизлигини таъминлаш учун ижарада яшаб, кечая кунда хизмат бурчимни ўтаёман. Айтишларича, ушбу маҳаллада ҳам тез орада профилактика инспектори учун хизмат уйи қурилади.

Тажрибамдан маълумки, аҳоли билан доимий мулоқот, мунтазам ҳуқуқий тарғибот ишлари орқали маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мумкин. Шу боис тарғибот ишларини кучайтириб, хар пайшанба – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунда аҳоли билан учрашиб, уларни турли ҳуқуқбузарлик ва фирибгарликлар ҳақида огоҳлантиряёман. Натижалар яқин, уч йилдан бунён жиноятдан холи ҳудуд – “яшил” тоифадамиз. Бирок ҳали қилиниши зарур бўлган ишлар бор. Шу боис ҳуқуқбузарликларнинг туб илдини барвақт аниқлаб, бартараф этиш чораларини кўраёмиз.

## ҚОНУНБУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунига кўра, суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлигини ва тотувлигини таъминлашга қаратилган. Бу ҳақда Иқтисодий процессуал кодексига ҳам қайд этилган бўлиб, иқтисодий соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш иқтисодий суд ишларини юритиш вазифаларидан бири сифатида белгиланган.



**Х.КАРИМОВ, Бекобод туманлараро иқтисодий суди раиси. А.ГАНИБОВ, Бекобод туманлараро иқтисодий суди судьяси.**

лумотга кўра, “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси бош мутахассиси маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг жавобгар “Файзу барака 2022” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан 6,9 миллион сўм гаров пулини ундириш тўғрисидаги иқтисодий ишнинг қўриб чиқишида акциядорлик жамияти “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун талабларини бузганини аниқлади. Суд томонидан қўлланилган таъсир чора натижасида “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг етакчи мутахассисига жарима тарзидаги интизомий жазо қўлланилиши таъминланди.

Бундан ташқари, процессуал қонунчиликка кўра, агар суд низои кўраётганида шахсларнинг ҳатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини кўзга тушириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун бу ҳақда прокуратурага хабар қилади. Масалан, “Тошкент вилояти сув таъминоти” акциядорлик жамиятининг Бекобод шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳисобидан 86,3 миллион сўм зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризасини кўриб чиқишда Бекобод шаҳридаги 6-сонли умумий таълим мактаби биноси руҳсат этилганидан ташқари ўзбошимчилик билан ичимлик сув тармоғига уланганлик ҳолати аниқланган ва ҳолатга ҳуқуқий баҳо бериш учун суд томонидан прокуратурага хабар берилган.

Юқоридakilардан келиб чиқиб, аниқланган хар қандай қонунбузилишга нисбатан ҳуқуқий ағрим чиқариб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга юборди. Вакил берган маъ-

**Сардор ЭСИРГАПОВ Маҳалла тизими ходимлари кунда “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишонин билан тақдирланди.**



Демак, низоларни ҳал қилишда қонун устуворлигини таъминлаш иқтисодий судларнинг энг асосий вазифаларидан бири. Шу боис суд ишни кўриш вақтида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан хусусий ағрим чиқариш орқали ўзининг мунсабатини билдириши лозим. Бу борада Бекобод туманлараро иқтисодий суди ҳисобот даврида 1 807 та иқтисодий ишларни кўриб, тамомлаган. Мазкур ишларни кўриб чиқиш пайтида аниқланган қонунбузилишларга нисбатан 13 та хусусий ағрим чиқарилиб, тегишли органларга юборилган. Натижада бир нафар шахс моддий, бир нафари маъмурий, яна бир нафари интизомий жавобгарликка тортилган. Қолган хусусий ағримлар эса кўриб чиқилляпти.

**Мисол учун,** “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси судга ариза билан мурожаат қилиб, дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолияти учун “Экофарм” масъулияти чекланган жамиятига берилган лицензияни бекор қилишни сўраган. Мазкур ишни кўриб чиқиш давомида назорат қилиш ишларида “Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонун талаби бузилганини аниқлаган. Аниқланган қонунбузилишга нисбатан суд хусусий ағрим чиқариб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга юборди.

Вакил берган маъ-

### МЕНДА САВОЛ БОР...

## ФАРЗАНДИ ВАФОТ ЭТГАН ХОДИМГА ТАЪТИЛ БЕРИЛАДИМИ?



**Бахтиёр ТҮРАЕВ.** Наманган вилояти:

– Бир ходимимиз фарзандли бўлди. Лекин фарзанди вафот этди. Бу ҳолатда ходим қанча вақтдан сўнг ишга қайтиши мумкин? Шу ҳақда маълумот берсангиз...

**Мухаммадмин КАРИМЖОНОВ,** ҳуқуқшунос, адвокат:

– “Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг 28-бандига кўра, ҳомиладорликнинг 30-ҳафтасидан илгари туғиш ҳолатларида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси туғруқ муассасаси томонидан бола туғилган кундан бошлаб, бола тирик туғилганда 126 календарь кунга, бола ўлик туғилганда 70 календарь кунга берилади.

Ҳомиладорликнинг 30-ҳафтасидан кейин мурожаат қилинганда туғишга қадар неча кун қолганидан қатъи назар, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси мурожаат қилган кундан тўлиқ 126 календарь кунига берилади.

Демак, юқоридakilардан хулоса қилсак, агар ходим ҳомиладорликнинг 30-ҳафтасидан кейин ўлик ёки тирик туғишидан қатъи назар, тўлиқ 126 кунга таътил берилади. Мана шу даврда ходим ишга чиқа олмайди.

### БИЛИБ ҚҮЙИНГ!

## Харид қилинган товарни алмаштириш мумкинми?

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга кўра, истеъмолчи мақбул сифатли нононқ-овқат товарини харид қилган кундан эътиборан 10 кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уш айни шундай товарга алмаштириб олишга, агар бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли.



Агар товардан фойдаланилмаган, у шикастланмаган, қадоғи билан қайтарилган бўлса, унинг истеъмол хусусиятлари сақланган ва ушбу сотувчидан сотиб олганини тасдиқловчи асослар бўлса, истеъмолчининг товарни алмаштириш ёхуд қайтариб олиш ҳақидаги талаби қаноатлантирилиши лозим.



“Panorama Airways” ва “Gulbakhor Airways” фирмаси Умрага бормоқчи бўлган 2 558 НАФАР ШАХСНИ ЧУВ ТУШИРДИ.



Электрқувватлаш шохобчаси ёки автотураргоҳда транспорт воситасини тўхтатгани учун НОҚОНУНИЙ ТАРЗДА ТЎЛОВ ТАЛАБ ҚИЛИНСА, 1159 қисқа рақамига мурожаат қилинг.



GERMANY MEҲНАТ БОЗОРИГА Ўзбекистондан мутахассисларни жалб қилишга қаратилган уч томонлама англашув меморандуми имзоланди.

БИР НАЗАР

## “ТЕРАКЛИ” ДА КЕРАКЛИ КЎМАКЛАР КЎП

Меҳр улашиб, инсонлар қалбига илиқлик олиб кириш, ҳаётга нур ҳамда келажагига ишонч бахш этишдек савобли амал бўлмаса керак. Ана шундай эзгу мақсад йўлида фидокорлик билан хизмат қилаётган инсонлардан бири Олмалиқ шаҳридаги “Теракли” маҳалласи ижтимоий ходими Муниса Абдуллаевадир.



Элбек ШОЙИМКҲУЛОВ, журналист.

Маҳаллада 1 068 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳар бир хонадонга, ҳар бир оиллага алоҳида ёндашув асосида хизмат кўрсатишда. Айниқса, ногиронлиги бўлган фуқаролар, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар доимий эътибор марказида.

Маҳаллада ёрдамга муҳтож кўплаб фуқаролар мавжуд. Уларнинг ҳаётини ўзгартириш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатида турувчи Абдувахоб Миннибоев протез-ортопедия воситалари билан таъминланди. Шунингдек, “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали унга кийим-кечак ва моддий ёрдам кўрсатилган.

Покиза Тоирова ва унинг оиласи муҳтож ҳолатда бўлган фуқаролардан. У фарзандларига дарс столи, ўйинчоқлар ажратилгани, моддий ёрдам кўрсатилгани ва дори-дармон харажатларининг қопланганидан миннатдор. Аёл ҳозирда “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳаси бўйича тадбиркорлик қилиш учун кредит олиш арафасида.

Айни пайтда Олмалиқ шаҳрининг 52 та маҳалласида 51 нафар ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим фаолият юртимокда. Жорий йил бошидан буён 3 минг 926 нафар фуқаро мурожаати қабул қилиниб, уларнинг 80 фоиздан ортиғи ижобий ҳал этилди. Қолганлари юзасидан чуқур ўрганишлар давом этмоқда.



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ



Танлаган соҳам ўзимга жуда ёқди. Одамлар билан дилдан суҳбат қураб эканман, уларнинг ҳали очилмаган кўплаб иқтидор қирралари борлигига гувоҳ бўляпман. Айримларининг ногиронлиги бўлишига қарамай, интилиши банд, яшашига бўлган иштиёқи чексиз.

Умиджон НУРУЛЛАЕВ, Фориш туманидаги Амир Темур номидаги маҳалла ижтимоий ходими.

Маҳалламизда айни вақтда 4 417 нафар аҳоли истиқомат қилса, шундан ногиронлиги бўлганлар 175 нафарни ташкил этади. Уларнинг яшаш шароитини яхшилаш, ижтимоийлашувини таъминлаш мақсадида эҳтиёждан келиб чиқиб, 20 кишига реабилитация қилишнинг техник воситалари ҳамда протез-ортопедия мосламалари тақдим этилди. Ногиронлик араваси, рақамли эшитиш мосламаси, овозли танометр ва термометр каби зарурий ашёлар маҳалладошларимизга ҳар жиҳатдан дастак бўляпти.

Жорий йил бошидан буён худудимиз бўйича 10 та кейс очилган бўлса, ҳар бирига турли йўналишларда керакли хизматлар кўрсатилди. Хусусан, ёши 60 дан ошган бир аёл йиллар давомида онкологик хасталиқдан азият чекиб келаётган эди. Унинг

Юртимиз бўйлаб “Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Назаримда, бундай тадбирларни янада кўпайтириш, намунали тарзда фаолият юритаётган ходимларнинг тажрибасини кенгроқ тарғиб қилиш зарур.

ҳолидан хабар олгани борганимизда, моддий ёрдамга эҳтиёжи борлиги маълум бўлди. Шунда “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 1 миллион 300 минг сўм миқдорида пул ажратилди. Бундан ташқари, 6 ойлик қўшимча моддий ёрдам тайинланди. Бемор ҳар уч ойда кимётерапия муолажасини олгани боис бу кўмак унинг учун жуда зарур эди.

Оиланинг бошқа вакиллари билан суҳбатлашиб, келинининг сурункали гепатит касаллиги борлигини аниқладик. Қолаверса, ўғли ҳеч қаерда ишламайди. Унинг бандлигини таъминлаш ва рўзгорига даромад олиб киришига эришиш мақсадида ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда томорқадан унумли фойдаланиш бўйича фойдали тавсиялар берилди. Аслида, шу кунга қадар бўш турган 8 сотих майдонда иссиқхона ташкил этиш орқали яхшигина пул топиш имконияти мавжуд. Бунинг учун оиллага имтиёзли кредит тавсия этилди. Тез орада бу бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Маҳаллада ижтимоий хизматлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида кўнгиллилар гуруҳини ташкил этганмиз. Унинг аъзолари айни вақтда 48 нафарни ташкил этади. Юрагида ўти бор ёшлар билан тинимсиз ўқиб, изланишдаммиз. Бунда назарий ҳамда амалий машғуллар параллел равишда олиб борилляпти. Гуруҳ аъзолари ёши улғу инсонлар ҳолидан хабар

олишда, беморларга ёрдам беришда, имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлашда доимий ҳамкоримизга айланган. Савобли ишмизга қўшилиш истагидагилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Жорий йилда мазкур ташаббуснинг мантикий давоми сифатида ёш ижодкорлар мактабини очишни режалаштирганмиз. Бу ерда ногиронлиги бўлган, васийлик ва ҳомийлик тайинланган ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари орасидан ноёб иқтидор эгаларини кашф этишга амалди эътибор қаратилди. Улоҳ қиламизки, мазкур лойиҳа яқин келажақда ўз самарасини кўрсатади.

Иш жараёнида шунга амин бўляпманки, ижтимоий ходим бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишларни пухта эгаллаш талаб этилар экан. Ўз устид тинимсиз ишлаш, янгидан-янги фояларни амалга ошириб, халқнинг фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш бир кун, албатта, уни эътироф этилишига замин бўлади.

Шу ўринда бир таклифни илгари сурмоқчи эдим. Мана икки йилдирки, юртимиз бўйлаб “Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Назаримда, бундай тадбирларни янада кўпайтириш, намунали тарзда фаолият юритаётган ходимларнинг тажрибасини кенгроқ тарғиб қилиш зарур.

ЯНГИЛИК

## “ОНА УЙИ” — ВАҚТИНЧАЛИК БОШПАНА ЭМАС

Бухорода оғир ҳаётли вазиятга тушиб қолган ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоғи бор оналарни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган “Она уйи” ресурс маркази очилди. Бу мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртинчи шундай марказ саналади.



Зарнигор НАФИДИНОВА, журналист.

Аёл — жамият таянчи, фарзанд тарбиячиси дедик. Шунинг учун оғир вазиятга тушиб қолган аёллар эътибордан четда қолмаслиги лозим. “Она уйи” нафақат вақтинчалик бошпана, балки аёлларни янги ҳаёт сари йўналтириш ва ижтимоий етимликнинг олдини олишга хизмат қилаётган муҳим ижтимоий лойиҳадир.

Бу масканда аёллар 6 ойгача бўлган муддатда яшаш жойи, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва ижтимоий реабилитация билан таъминланади. Шунингдек, улар касб-хунар ўрганиш ва жамиятга мослашиш имкониятига эга бўлади.

Мазкур ташаббус ёрдамга муҳтож оналар ва уларнинг фарзандлари учун ҳаётда янги саҳифа очилиши шубҳасиз.

ШАРҲ

## ГАЗ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН КИМЛАРГА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАБ БЕРИЛАДИ?

Бу дунёда ҳеч ким муҳтож бўлиб қолмасликдан қўлланмаган. Турфа синовлар, ҳар хил даврларни яшаб ўтар эканмиз, баъзан кўлимизда етарли миқдорда пул бўлади, баъзида эса атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезамиз. Шундай вақтда давлатнинг эътиборини ҳис қилиш, яратиб берилаётган имконият ва қулайликлардан фойдаланиш кишига анча қор келади.

Шаҳноза РАҲИМХҲАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Охири йилларда юртимизда ижтимоий оғир аҳволда яшаётган фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида қатор қулайликлар жорий этилмоқда. Президентнинг яқинда қабул қилинган “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишда эҳтиёжман аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам айни йўналишдаги муҳим қадам бўлди.

Қонун ҳужжатига мувофиқ, 2025 йил 1 майдан 2027 йил 1 апрелгача “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи ҳамда Камбағал оилалар реестрига киритилган, шунингдек, реестрларга киритилмаган, бироқ моддий аҳоли бўйича кам таъминланган оилалар мезонларига тўғри келувчи, оилاداги жон бошига даромади минимал истеъмол харажатларининг 1,5 баробаридан ошмайдиган оилаларга қатор имтиёзлар берилмоқда. Хусусан, уларга электр энергияси истеъмоли бўйича — ойига базавий меъёрдан 150 кВт соатгача, табиий газ истеъмоли бўйича

Кўшимча равишда шакллантирилган рўйхатдаги оилалар сони реестрларга киритилган оилалар сонининг 40 фоиздан ошмаслиги лозим.



— иситиш мавсумида ойига базавий меъёрдан 250 куб метргача, бошқа даврларда ойига базавий меъёрдан 150 куб метргача ортиқ фойдаланилган қисми учун базавий меъёр доирасидаги ҳамда базавий меъёрдан ошган нархлар ўртасидаги


фарқ компенсация қилиб берилади. Шунингдек, қарорда 2025-2026 йилги иситиш мавсумида аҳолининг эҳтиёжман қатламини кўшимча моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ноябрь ойи-

да айрим тоифадаги оилаларга 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам ажратилади. Жумладан “Маҳалла еттилиги” хулосаси асосида реестрларга киритилмаган, бироқ ёрдамга муҳтож оилалар бўйича кўшимча рўйхат шаклланди.

тирилади. Бунда биринчи навбатда, аъзолари I ёки II гуруҳ ногирони бўлган шахслардан иборат бўлган хонадонлар, ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган, боқувчисини йўқотган, узоқ муддатли даволанишни талаб этаётган хасталиклар билан касалланган шахслар яшовчи оилалар инобатига олинади. Шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи шахслар ҳамда ёлғиз яшовчи кесалар, ногиронлиги бўлган фуқаролар, уч ва ундан ортиқ оила яшайдиган хонадонларда ҳамда газ таъминоти бўлмаган ва марказлаштирилган тартибда иситилмайдиган кўп қаватли уйларида яшовчи оилалар ҳам қўллаб-қувватланади.

Кўшимча равишда шакллантирилган рўйхатдаги оилалар сони реестрларга киритилган оилалар сонининг 40 фоиздан ошмаслиги лозим.

Бу бир қарашда кичик ёрдамдек кўриниши мумкин. Лекин қийналиб, қишинг кировли кунларда иситиш тизимсиз, электр энергиясиз ўтирган фуқаролар учун катта аҳамият касб этади. Тенгсиз неъматлардан улар ҳам барча қатори тўлақонли фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.



«Ташаббусли бюджет» лойиҳасининг жорий йилги 1-мавсуми якунларига кўра, 2 011 та маҳалла ғолиб деб топилди.



ВОДИЙДАН ХИТОЙГА янги йўналишларда парвозлар йўлга қўйилиши мумкин. «Uzbekistan Airports» ва «China Southern Airlines» компанияси ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.



«МЕНИНГ УЙИМ» биллинг тизимида бошқарув органлари ўзи хизмат кўрсатувчи абонентларга «SMS» хабарнома юбориш функцияси яратилади.

ШОҲСУПА

## «Эришиб бўлмайдиган марра йўқ»

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Севинч Хуррамова 19-22 март кунлари Россияда ўтказилган халқаро мусобақада 63 кил로그램 вазнда штирок этиб, 2 ўринчи кўлга киритди.

Нигина ШОЕВА, журналист.

Шўрчи туманидаги «Зарбдор» маҳалласида яшовчи Севинч Хуррамова етти фарзанднинг олтинчиси. Боғбончилик билан шуғулланадиган отасининг айтишича, тахминан 6-синфда ўқиётган вақтида қиздаги жўшқинликни кўриб, уни спорт мактабига ўқишга юборган. Буни қарангки, оддийгина қизиқши Севинчнинг мақсадига, ниятига айланди.


— Россиядаги мусобақада ғолиб бўлиш учун устозларим ёрдамида астойдил

тайёргарлик кўрдим, меҳнат қилдим, — дейди Севинч Хуррамова. — Лекин рақибим мендан устун келиб, ғалаба қозонди. Ўз устимда янада кўпроқ ишлашим кераклигини, ҳаракатдан тўхтамаслигим зарурлигини англаб етдим.

Боксда кучдан кўра, кўпроқ ақл керак, тез фикрлаш зарур. Бу ўз натижасини беради. Устозларим Шухрат Эршев, Ойбек Панжиевдан бокснинг барча сир-асрорларини ўрганганман. 2028 йилги Олимпиада йўлланмасини қўлга киритиш учун ҳаракат қиламан. Аслида, эришиб бўлмайдиган марра йўқ. Ҳаракатдан тўхтамасак, мақсадни қатта қўйиб, интиласак, ал-

батта, ғолиблик шохсупасига чиқамиз. Келажакда жаҳон чемпионати ҳамда Олимпиада ўйинларида ғолиб бўлиш учун бор имкониятимни ишга соламан.

Ишончимиз комил, эндигина ўзининг 18 ёшини қаршилаган чемпион қизнинг эзгу ниятлари, албатта, ижобат бўлади. Чунки унда шижоат, фидойилик, эртанги кунга умид, Ватанга муҳаббат, халқаро майдонларда юртимиз шухратини юксакларга кўтаришга бўлган кучли иштиёқ бор.



МАНЗАРА

## Иқтидорини намоён этса, юрт ривожига ҳисса қўшган бўлади

Маҳаллада ҳал қилшадиган муаммо жуда кўп. Айниқса, оилалар билан ишлаш, ҳаётда қийналган аёлларни қўллаб-қувватлаш осон эмас. Хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг ўзи алоҳида эътибор талаб қиладиган масала. Айрим оилаларда эр хотиннинг ишлашига розилик бермайди, бошқасида эса аёлнинг ўзида куч ва прода тошмайди. Олдимиздаги бу вазифалар биз «еттилик» вакиллари нияда кўпроқ ҳаракат қилишга ундаяпти.



Мухтабар КАРИМОВА, Юнусобод туманидаги «Боғишамол» ва «Йўлайриқ» маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Биргина оилавий ажрашнинг олдини олиш ҳамда можароларни ҳал қилиш йўналишида ижобий натижага эришиш учун бир неча ой талаб қилинади. Аввало, келишмовчиликнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилади. Шундан сўнг тарафлар билан алоҳида-алоҳида суҳбат олиб борилади. Қайнона ўзини қийнаётган муаммоларни айтса, келин бутунлай бошқа нарсалардан шикоят қилади. Уртада қувв томонларни муроसाга келтира олмайд қайрон. Бу номунасобилликка бир-икки марта гаплашиб, ечим топиш имконсиз. Аксинча, тизимли тадбирлар олиб боришни талаб қилади. Ишга маҳалланинг ёши улғур инсонларини жалб қилиш орқали мушкулларимиз янада осонлашяпти.

Шу тарзда йил бошидан буён иккита оилани яраштиришга эришдик. Лекин бир оила вазият чигаллиги боис ажрашш арафасида турибди. Эр-хотин 10 йилдан буён алоҳида-алоҳида яшайди. Уч нафар фарзанднинг биттасида ноғиронлик мавжуд. Аёл норасида гўдақлари билан бирга анча йиллар қийналиб яшди. Уларга доимий равишда ҳомийлар кўмағида ёрдам бериб турилибди. Аёл яқинда ёнимизга келиб, бошқа киши билан

турмуш қурмоқчи эканини билдирди. Лекин никоҳи ҳали бекор қилинмагани учун ажрашишга ариза топширди. Эри қилган жиноятлари сабаб қамалиб кетган. Бўлғуси қувв билан суҳбатлашиб кўргандик, аёлни болалари билан қабул қилишга тайёрлигини билдирди.

Ҳар кун шу каби турфа тақдир эгаларининг кечмишларига ошно бўламиз. Улар орасида мени энг кўп ўйлантирадигани — бемор аёллар. Худудимизда 10 нафар онкологик хасталиқдан азият чекаётган хотин-қиз мавжуд. Айримлари қаттиқ сиқилиш ва тушқунлик боис бедаво дардга чалинган бўлса, баъзилари қинғир йўللарга кириб саломатлигидан айрилган. Нима бўлганда ҳам дард чекаётган, яшаш умидини йўқотган бу фуқароларга далда бўлиш бизнинг инсоний бурчимиз саналади. Аввалига ҳеч ким билан гаплашишни истамайдиган, ўз ташвишлари билан ёлғиз қолишни истаган беморлар уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олганимиз, яшашга бўлган иштиёқини оширадиган

Агар жамиятдаги ҳар бир фуқаро иқтидоридан унумли фойдаланса, юрт ривожига учун жуда катта ҳисса қўшган бўлади. Мана шу ҳақиқатни маҳалламиздаги ҳар бир фуқаро англаб етиши учун астойдил ҳаракат қиляпмиз.

маҳалламиздаги ҳар бир фуқаро англаб етиши учун астойдил ҳаракат қиляпмиз.

Шу ўринда бемор аёлларнинг шароити борасида бироз тўхталиб ўтмоқчи эдим. Ташқаридан қараганда, уларга етарлича имтиёзлар берилгандек кўринади. Лекин топшириладиган тахлиллар, олина-

диган муолажалар, дори-дармонлар катта маблағ талаб этишини афсуски, рад эта олмаимиз. Кимнингдир ёнида таянч бўладиган яқинлари бўлса, бошқаси бокувчисини йўқотган, турмушидан ажрашиб, ёлғиз яшаётган аёллар. Шундай қийналганларни кўрганда, ичимдан йиғлайман. Имкон қадар ҳомийларни жалб қилган ҳолда моддий жиҳатдан кўмак кўрса-тишга уринаман. Узатишган ёрдам кўллари опа-сингилларимизнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Эртанги кунга бўлган умидини оширади. Жорий йилда уйда ўтириб, ўз қобилиятига ўралиб қолган хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш ва лаёқатидан келиб чиққан ҳолда бандлигини таъминлашни ўз олдими асосий мақсад қилиб қўйганман. Агар жамиятдаги ҳар бир фуқаро иқтидоридан унумли фойдаланса, юрт ривожига учун жуда катта ҳисса қўшган бўлади. Мана шу ҳақиқатни маҳалламиздаги ҳар бир фуқаро англаб етиши учун астойдил ҳаракат қиляпмиз.

ЖАРАЁН

## «ҲАР ОИЛА БУТ БЎЛСА, ШУДИР ИШИМИЗГА БЕРИЛГАН БАҲО»

Маҳалла — ҳақиқий маънода тарбия маскани. Унинг ҳар бир инсонга ўргатадиган, худоса чиқаришига ёрдам берадиган қирралари жуда кўп. Нурунийларга боқиб, ҳаётнинг қийматини, ёшлар қараб, яшаш завқини ҳис қиламиз. Бу азиз гўшада асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимиз қадр топиб келмоқда. Одамлар бир-бирига елкадош, қўннилар қўннисининг ҳолидан хабардор. Бир сўз билан айтганда, маҳалла — катта бир оила.



Зокия ТОЖИЕВА, Хатирчи туманидаги «Маданият» ва «Бунёдкор» маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

«Еттилик» вакиллари бу кўрғоннинг мустаҳкамлигини таъминлаш борасида тинимсиз меҳнат қилмоқда. Бунда, аввало, фуқароларнинг фаровон турмуш кечириши, камбағалликни қисқартириш, ажрашшларнинг олдини олиш, ишсизларнинг бандлигини таъминлаш устувор аҳамият касб этмоқда.

Мени кўп ўйлантирадиган муаммолардан бири — оилавий ажрашшлар масаласидир. Олиб бориладиган тизимли тадбирлар самараси ўлароқ жорий йил бошидан буён худудимизда бу салбий ҳолат ҳали қайд этилмади. Лекин 2022 йилда турмуш қурган ёш оила вакиллари бир ойдан буён келиша олмади, алоҳида-алоҳида яшашяпти. Можаронинг сабабини ўрганганимизда, қувв келини телефонда бошқа биров билан ёзишганини рўқач қилди. Рашк туйғуси уларнинг орасига совуқчилик солган. Жабрини эса икки нафар норасида гўдақ тортипти. Халқимиз «меҳр кўзда», деб бежизга айтмайди. Бир-биридан айро яшаётган эр-хотин ўртасидаги муносабатлар борган сари салбий тус оляпти. Энди келин ҳам турмушини тиклашни истамаяпти. Лекин тажрибада бу каби муаммолар вақт ўтиши билан ижобий томонга ўзгарганини кўп кўрганимиз. Биз ҳаракат қилишдан сира тўхтаб қолганимиз йўқ. Фарзандлар тирик етим бўлиб қолмаслиги учун бор кучимиз билан тиришяпмиз.

Худудимизнинг «драйвер»и деҳқончилик ва чорвачилик бўлгани боис айни йўналишларда банд бўлган опа-сингилларимиз жуда кўп. Бундан ташқари, маҳалла кўмағида паррандачилик, асаларичилик, тикувчилик қилаётганлар ҳам топилади. Хусусан, Гуландон Норқобилова оиласи кам таъминланганлар рўйхатида киритилган. Ноғирон парваришлаггани учун уни «Аёллар дафтари»га киритдик. Шунга кўра, оилага субсидия асосида 30 бош жўжа олиб берилди. Ҳозир улар анча катталашиб, туҳум қўйишни бошлаган. Бу эрининг қуналик ишлаб топаётган даромадига қўшимча ёрдам бўляпти. Бундан ташқари, улар томорқасида полиз экинлари етиштириб, рўзғорига барака киритишни бошлашди. Утган йили ҳомийлар ёрдамида уларнинг уйини таъмирдан чиқариб бердик. Ҳозир яшаш шароити аввалгидан анча яхшилланган. Мухими, барчалари яхши кайфиятда ҳаёт кечирмоқда.

Тикувчилик йўналишида Гулмира Равшанова катта тажрибага эга. Аввалига уйда бошлаган тадбиркорлигини икки йилдан буён алоҳида бинода давом эттириб келмоқда. Қўшимча равишда қизққан ешларга хунарининг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Битирувчиларга махсус сертификатлар бериб, мустақил фаолият бошлашига ёрдам берапти. Аёни вақтда 2 нафар шогирди билан бирга маҳалламиз аёлларига бир-биридан қироили қўйлақлар тикиб беришяпти. Қўл ҳаққи 50 мингдан 100 минг сўмгача. Шунга кўра, даромади анча яхши. Ҳозирги кунда маҳалламиздаги бўш турган бинонини таъмирлаш ишлари олиб бориладиган. Бу ерга анча йилдан буён кўрпа-тўшак тикиш билан шуғулланиб келаётган 2 нафар хунармандни жалб қилишни ўйлаяпмиз. Кейинчилик қизиқувчиларни жалб қилиб, ишсизларни банд қилишни режалаштирганимиз.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

## ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

«Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент фармонида кўра, 2025 йил 1 апрелдан:



✓ «Ижтимоий дафтарлар» жамғармалари орқали кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамлар Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларга, уй-жой шароитларини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш бўйича ижтимоий ёрдамлар эса ойлик даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари микдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оилаларга ҳам тақдим этилади.

✓ Бунда маданий-маърифий, таълим, спорт ва туризм тадбирларини ташкил этиши ва

ўтказишга «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» жамғармалари тушумларининг 25 фоизидан кўп бўлмаган қисмини йўналтиришга рухсат берилди.

«Ижтимоий дафтарлар» жамғармалари орқали ижтимоий ёрдамлар қуйидаги тартибда кўрсатилади:

✓ Оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режада камбағал оилаларнинг ёшлари ва хотин-қизларига муайян ижтимоий ёрдамларнинг белгиланиши ушбу тоифадаги шахслардан қўшимча муносабат

талаб этмаган ҳолда «Ижтимоий дафтарлар» жамғармалари ҳисобидан ижтимоий ёрдамлар кўрсатилишига асос бўлади;

✓ «Ижтимоий дафтарлар» жамғармалари ҳисобидан ёрдам кўрсатишни сўраб мурожаат қилган шахсларнинг ҳолатини аниқлаш «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими орқали, оиланинг молиявий ҳолатини эса идоралараро ахборот алмашинуви орқали автоматик равишда баҳолаш (скоринг) натижаларига мувофиқ амалга оширилади.



Ўзбекистон ўсмирлар жамоаси мuddатидан олдин **ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА** олди.



Болгарияда бадий гимнастика бўйича жаҳон кубогининг биринчи босқичида Ўзбекистон терма жамоаси **ТЎРТТА МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ**.



Ўртимиздаги барча маҳаллаларда **“ШИЖОАТ ВА ФАЙРАТ”** ҳарбий-спорт мусобақаси ўтказилди.

**БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИЗ!**

◆ СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

**Нотўғри овқатланманг, ошқозон оғриқ сезади**

◆ БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

**“РУҲИЯТ ГУЛИ” ХОТИРАНИ МУСТАҲ-КАМЛАЙДИ**

**Х**отира ёмонлашди, дейсизми? Бир шох розмарин етарли! Ҳа, тўғри эшитдингиз! Розмарин (“руҳият гули” деб ҳам аталади) ҳидини бир неча дақиқа ҳидлаш: — эслаб қолишни яхшилайдди; — диққатни оширади; — мияни фаоллаштиради; — руҳий зўриқини камайтиради.

**Илмий асоси бор:** тадқиқотларга кўра, розмарин ҳидини ҳидлаш орқали хотира 75 фоизга яхшиланади! **Қачон керак?** — **имтиҳон олдида;** — **муҳим йиғилиш ёки сўровдан аввал;** — **кунни фаол бошлаш учун.**



Ошқозон танани озуқа моддалари билан таъминлашда муҳим ўрин тутди. Унинг соғлиғи ва меъёрида ишлашни таъминлаш учун тўғри овқатланиш катта аҳамиятга эга. Бу бир неча жиҳатларни ўз ичига олади: овқатланиш тартиби, истеъмоқ қилинадиган озиқ-овқат миқдори, унинг таркиби ва бошқалар. Нотўғри овқатланиш ошқозон касалликларига олиб келиши мумкин.



**А**сосий тамойиллар:

- **овқатланиш тартибини белгилаб олинг.** Озиқ-овқат тартибига риоя қилиш ички биологик соатни созлайди. Бу меъда ширасини ишлаб чиқариш жараёнини, ошқозон ости бези ишини, гормонлар ишлаб чиқаришни яхшилашга ёрдам беради;
- **овқатни ўртача қисмларда истеъмоқ қилинг.** Кунига 5-6 марта озгинадан овқатланиш бир-икки марта тўйиб, ортиқча овқат истеъмоқ қилишдан фойдалади. Иложи бўлса, тез-тез ва ўртача қисмларда овқатланг. Бу сизнинг ошқозонингиздаги юкни камайтиради ва уни кун давомида бир текис тақсимлайди;
- **овқатни яхшилаб чайнаг.** Ошқозон оғиздан қизилўнғач орқали келадиган нарсаларни парчалаши керак. Қаттиқ овқатлар қанчалик кўп майдаланган бўлса, ошқозон уларни ҳазм қилишни осонлаштиради;
- **етарли миқдордаги суюқликни истеъмоқ қилинг.** Бу, асосан, одамнинг вазнига қараб ҳисобланади. Сув ва бошқа суюқликларни етарли даражада истеъмоқ қилмаслик танадаги барча жараёнлар, шу жумладан, тутурик, меъда шираси ва бошқаларни ишлаб чиқаришга салбий таъсир қилади.

**О**шқозон соғлиғини таъминлашда ёрдам берадиган озиқ-овқатлар:

- **йогурт, қатиқ.** Ушбу маҳсулотлар ошқозон-ичак органларида соғлом микрофлорани қўллаб-қувватлайди;
- **сули ёрмаси.** Бу ичак фаолиятини яхшилашга ёрдам беради;
- **нон.** Тўлиқ майдаланган ундан тайёрланган нон ва нон маҳсулотлари овқат ҳазм қилишни ва ичак фаолиятини яхшилайдди;
- **кам ёғли маҳсулотлар.** Ёғсиз гўшт, балиқ, тухум, лавия танани соғлом оқсил билан таъминлашга қодир;
- **витаминлар, озуқага бой овқатлар.** В, С, Е гуруҳ витаминлари, калий, магний ва бошқа микроэлементлар овқат ҳазм қилиш тизими учун, айниқса, фойдалидир;
- **занжабил.** Ушбу илдиэ яллиғланишга қарши хусусиятлари билан машҳур. Бу ошқозон тирнаш хусусиятини камайтиришга ва овқат ҳазм қилишни яхшилашга ёрдам беради.
- **яшил чай.** У ошқозон шиллиқ қаватининг ҳужайраларини шикастланишдан ҳимоя қилади, гастрит, ошқозон яраси ривожланиш хавфини камайтиради.

Ботир МИРЗАЕВ, ошқозон-ичак хасталиклар шифокори.

◆ ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Икром РАҲМАТУЛЛАЕВ. Қашқадарё вилояти: — Айрим савдогарлар боғдан мева сотиб олаётганда ҳамма қутиларни ҳам тарозида тортишмайди. Одатда мева жойланадиган қутилар 1,5 дан 1,7 килограмм чиқади. Аммо савдогар умумий қилиб 2 килограмм чиқариб ташлайди. Уларнинг бу иши шарият бўйича жоизми?



**Савдода қути вазни тўғри ҳисобланмаса...**

Ўзбекистон мусулмонлари идораси **Фатво** маркази: — Уламолар бундай савдони фосид (ношаръий иш ёки сифат аралашган) савдо дейишган. Савдо битими тақозо қилмайдиган, томонларнинг бирига наф келтирадиган ёки сотиладиган маҳсулотга зиёдалик берадиган шарт ила битим тузиш савдони фосид қилади. Бу ерда қутиларни ҳақиқий оғирлигидан кўпроқ ҳисоблаш

харидорнинг фойдасига ишламоқда. Масалан, савдогар бир ярим килоли қутини икки кило, деб умумий оғирликдан чиқариб ташласа, ярим кило мевани ноҳақдан эвасиз олаётган бўлади. Натияжада бировнинг ҳақини ейиш зуяга чиқади. Буни тўғрилашнинг йўли — барча қутиларни мева солишдан олдин ёки кейин тортиб, уларнинг умумий оғирлигини ҳисоблаш ёки оғирлиги бир хил бўлган қутилардан фойдаланиш мумкин.

◆ СПОРТ

**ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ФУТБОЛНИНГ ТАЪСИРИ ҚАНДАЙ?**

Дунёда футбол каби оммавий спорт бўлмаса керак. Уни “миллионлар ўйини” дейишлари ҳам бежизга эмас. Дунёнинг исталган нуқтаида футбол мухлислари топилади.

Олим ОРИФОВ, Ўзбекистон футбол ассоциацияси Халқаро бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

**А**лбатта, футбол билан шуғулланган одам соғлом бўлади. Ҳаётда семизликдан азият чекаётган футболчини ҳеч кўрганмисиз? Йўқ, албатта. Тинимсиз машғулотлар ўйинчини ҳар томонлама тоблаши шубҳасиз. Даниядаги Копенгаген университети олимлари уч йил давомида футболнинг саломатликка таъсирини ўрганиб чиқиди. Уларнинг айтишича, футбол йиқилишлар туфайли суяклар синиши эҳтимолини анчагина камайтиради. Гап шундаки, спортнинг бу тури билан мунтазам шуғулланиш мушакларни ва суяк тўқималарини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, шуғулланувчиларда ҳаракатлар координацияси сезиларли даражада яхшиланади. Бу гап нафақат ўсмирлар ва ёшлар, балки кексаларга ҳам тегишли.



**Футбол билан шуғулланишнинг руҳий саломатликка ҳам нафи катта.** Югуришнинг фойдаси ҳақида ҳаммамиз эшитганмиз. Лекин бундай машғулотдан кейин ҳам, айниқса, эркаларда руҳий ҳолатнинг яхшилиниши кўп ҳам кузатилавермас экан. Чунки улар югуради-ю, лекин хаёли муаммоларда бўлади. Футболда бундай эмас: қатнашчилар эътиборини ўйинга қаратгани учун бошқа нарсаларни ўйлашга имкон йўқ. Шунинг учун ҳам футболдан кейин хаваскор ўйинчиларнинг кайфияти кўтарилганини кўрасиз, мағлуб томон ҳам одатда хафа бўлмайди.

**Футбол билан қисқа мuddат шуғулланишнинг ҳам одам танасига фойдаси бор.** Уч ой давомида ҳафтасига 2-3 марта 1,5-2 соатдан тўп тепсангиз, танангизда кислород истеъмоли сезиларли даражада ортади. Бу танадаги барча органлар ва тизимларга, биринчи навбатда, юрак-қон томир ва асаб тизимларига ижобий таъсир кўрсатади. Тўғри, футболнинг соғлиққа фойдаси кўп, аммо у билан ҳамма ҳам шуғуллана олмайдди. Масалан, нафас ва юрак етишмовчилигига чалинганлар учун бу спорт тури тўғри келмайди.

